

Фикҳ дарси (231-дарс) Азон айтилган масжиддаги одам намозни ўқимай чиқиши макруҳдир



19:00 / 19.05.2023 2461

Азон айтилган масжиддаги одам намозни ўқимай чиқиши макруҳдир.

Чунки бундан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари қайтарганлар.

هُنَعُ هَلَلَا يَضَرَّ عَاتُّ شَلَا يَبَأُ نَع
يَفَ رَيْرُهُ يَبَأُ غَمُّنُ كَلَاق
نَدَأُ نِيحُ لُجَرَ جَرَخَفُ دِجَسَمُ لَا
رَيْرُهُ وَبَأُ لَقَفُ رُصَعُ لَلُ نَدُومُ لَا
مَسَأُقُ لَأَبَأُ يَصَعُ دَقَفُ آذَهُ أَمَأُ
هُأَوْرُ مَلَسَ وَهُيَلَعُ هَلَلَا يَلَصُ

يُراخُّ بُلْبُلًا إِذْ أَسْمَعُ لَهَا

Абу Шаъсоа розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Абу Ҳурайра розияллоху анху билан масжидда бирга эдик. Муаззин асрга азон айтганидан кейин бир одам чиқиб кетди. Абу Ҳурайра:

«Аммо мана бу, батаҳқиқ, Абул Қосим соллаллоху алайҳи васалламга осий бўлди», деди».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

لُؤْسَرٍ أَنْ رَمَى: لَأَقِي دُؤْعَ سَمَلٍ أَنْ
إِذَا مَلَسَ وَهِيَ لَعُهُ لَلِإِيَّ لَصِ هَلَلِ
يَدُونِ فَرَجِ سَمَلٍ إِي فِ مُتْنُكَ
يَتَحُ مَكْدَحًا جُرْخِي أَلْفِ أَلِ صِلَابِ
دَمَحًا هَاوَرَ. يَلِ صِي

Масъудийдан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам бизга:

«Масжидда бўлсаларингиз-у, намозга азон айтилса, бирортангиз ҳам намозни ўқимагунча чиқмасин», дея амр қилганлар».

Имом Аҳмад ривоят қилган.

Келаси жумлаларда азон айтилганидан кейин масжиддан чиқишларига рухсат берилган шахслар зикр қилинади.

Бошқа жамоатни қоим қилувчига макруҳ эмас.

Агар у бошқа масжиднинг имоми ёки муаззини бўлса, усиз жамоати тарқаб кетадиган бўлса, азон айтилганидан кейин ҳам чиқиб, ўз масжидига боришига рухсат.

Шунингдек, пешин ва хуфтонни ўқиб олганларга ҳам.

Азон айтилгани ёки айтилмаганини билмасдан пешин ва хуфтон намозларини ўқиб олган одамлар мана шу намозларга азон айтилганидан кейин чиқиб кетаверсалар бўлади. Чунки улар намозларини ўқиб бўлганлар.

Илло, иқома пайтида макруҳдир.

Агар фарз намозни ўзи ўқиб олган бўлса ҳам, ўтириб-ўтириб, иқома айтилгандан кейин чиқиб кетиш дуруст эмас. Бунда худди Аҳли суннанинг ортидан намоз ўқишни ўзига эп кўрмайдиган хавориж ва равофизларга ўхшаб қолади.

Иккисидан бошқасида агар иқома айтилса ҳам, чиқаверади.

Пешин ва хуфтон намозларидан бошқа бомдод, аср ва шом намозларининг фарзини азондан олдин ўқиб олган шахс иқома айтилганидан кейин ҳам чиқиб кетса бўлади. Чунки у жамоатга қўшилса, намози нафл бўлади. Бомдод ва асрнинг фарзидан кейин нафл ўқиб бўлмайди. Шомга ўхшаш уч ракъатли нафлнинг ўзи йўқ.

Бомдоднинг суннатини ўқиса, фарз жамоатига етиша олмайдиган бўлса, суннатни тарк қилади.

Чунки фарзнинг савоби суннатнинг савобидан афзал.

Ким фарздан бир ракъатга етадиган бўлса ҳам, суннатини ўқийди.

Бомдоднинг фарзидан бир ракъатга етиш имкони бўлса ҳам, суннатни ўқилади. Чунки шу тариқа ҳам фарзнинг, ҳам суннатнинг фазли топилади.

نَعُّهُ، نَعُّهُ لَلْإِيضَةِ رِيَّهٖ بِأَنْعِ
مَلَسَ وَسَوَّيْلَهُ لَلْإِيصِّ بِنَلَا

نَحْنَوِةَالصَّلَاةِ لِإِيْمَتِيْجِ اِذَا: لَاق
اهُوْدَعَتِ الْوِ، اوْدُجْسُ اَفْ دُوْجْسُ
دَقَفَ عَكْرَلَا كَرْدَا نَمَوِ، اِيْئِيْشِ
دُوَادُ وُبَا هَاوَرِ. ةَالصَّلَاةِ كَرْدَا
يَنْطُقِرْ اَدْلَاوِ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачон намозга келсангиз, биз сажда қилиб турган бўлсак, сиз ҳам сажда қилинг ва уни ҳеч нарса санаманг. Ким ракъатни топса, намозни топган бўлади», дедилар».

Абу Довуд ва Дора Қутний ривоят қилишган.

Масжидга кирган одам бомдоднинг суннати ўқимаган бўлса, бир четда ўқийди. Сафнинг орқасига бориб ўқимайди.

Бомдоднинг суннати қазосини фақат фарзига тобеъ бўлган ҳолдагина ўқийди.

Яъни, бомдоднинг ҳам фарзи, ҳам суннати қазо қилинганда фарзга қўшиб суннатнинг қазоси ҳам ўқилади. Суннатнинг ўзини қазо қилиб ўқиш йўқ. Шунинг учун нима қилиб бўлса ҳам, фарздан қолмаслик шарт ила бомдоднинг суннати фарздан олдин ўқиб олиш лозим.

Имом Муҳаммад: «Завол вақтигача бомдоднинг икки ракъат суннати ҳам қазо қилинади», деган.

Икки ҳолатда ҳам пешиннинг суннати тарк қилиб, иқтидо қилади.

Яъни, бир ракъатга етадим-йўқми, барибир, имом намозни бошлаётган бўлса, пешиннинг суннати ўқимай, фарзга иқтидо қилинади, чунки фарзни ўқиб бўлгандан кейин қолган суннатни ўқиш имкони бор.

Сўнгра унинг қазосини бир жуфт суннатидан аввал ўқийди.

Фарзни ўқиб бўлгандан кейин, аввал қолган тўрт ракъат суннатни ва ундан кейин икки ракъатни ўқийди.

Ўша иккисидан бошқаларни асло қазо қилинмайди.

Яъни, бомдоднинг ва пешиннинг фарздан олдинги суннатидан бошқа суннатлар қазо қилинмайди.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.